

ШУКРОНА

Бундан ўн уч-ўн тўрт йил муқаддам Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлган эди. Улкан композитор, бугунги кунда марҳум, ўша пайтда бастакорлар уюшмасининг раиси Мирсодиқ Тожиевга кунларнинг очилиши ёпилишига бир кўшиқ ёзиб бериш топширилган экан. У мендан шу кўшиқ учун шеър ёзиб беришни илтимос қилди. Мен дўстимнинг тақлифини раб қилмай, шеър ёзиб бердим. Шеърнинг ҳар банди «Сен менинг тожигимсан, мен сенинг ўзбегимман» байти билан тугар эди. Шеърни олиб келиб берган эдим, раҳматлик Мирсодиқ котиб-қотиб қилди:

— Э-э, бу шеър бўлмайди, — деди. — Тўғри, бунда жуда инсоний, табиий гаплар бор. Жуда яхши, дилбар кўшиқ бўлади. Лекин менга чўзиқ вазни, ке-енг, партия улуғланидиган кўшиқ ёзиш топширилган...

Хуллас, ўша шеър ўтмади. Кўни-кеча, мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишланган байрам тантаналаридаги Президентимизнинг ниҳоятда самимий, ниҳоятда инсоний нутқини эшитиб, байрам концертини кўриб ўтириб, шу воқеа эсимга тушди.

Қандай даврларда яшамасан, қандай «маданий» зўравонликларни кўрмадик. Улкан санъаткорларимиз ҳам ўзининг истеъдоди, салоҳияти, дунёқарошига эид равишда «раҳнамо» партиянинг иродасини бажаришга мажбур эди.

Кечаги тантаналарда эса... Ҳеч қандай «курساتма», «йўналиш» йўқ, ҳалқ ўзининг санъатини намойиш қилди, яъни. Кечаги байрам — энг улук байрамимиз эди.

...Яна ўтмиш эсга тушади. Шўролар давридаги байрамларда уч-тўрт соатли зериқарли, ҳеч ким тушунмайдиган «тантанали мажлис», кейин эса, яна ҳеч ким тушун-

майдиган концерт бўлар эди. Концертни ҳеч ким тушунмаслигининг сабаби — унда асосан «жаҳон», «рус», «совет» классикаси асарлари «янграр», ўзбек санъатига эса деярли эътибор берилмасди.

Кечаги тантаналарда эса... Байрам тантаналарини кўриб ўтириб, ҳаёлимдан бир фикр кечди. Биз етмиш йилдан ортқ вақт мобайнида нолишга ўрганиб қолган (бу табиий эди, албатта) бандалар, энди «Худога шукр» дейишга одатланишимиз керак.


...Илгари «партия ва халқ бир», деган шior мажҳуд бўлиб, амалда унинг тескариси эканини ҳамма яхши билади. Чунки, коммунистик партия мамлакатда «ягона», халқни «ёрқин келажак»ка бошловчи «йўлбошчи» партия, ҳар бир киши унинг иродасига бўйсунуши керак, акс ҳолда тақдирни нима бўлиши аён эди. Бугунги кунда партия кўп, лекин уларнинг бирон-бири фаолият кўрсатяпти.

Давлатимиз эса, иқтисодиётнинг дунё бунёд бўлганидан буён мажҳуд «отанг бозор, онанг бозор» тамойилидаги табиий тараққиёт йўлида шахдам одимляпти, юртимиз бошлиғи фуқароларига: «мен барчангизни севаман» дея мурожаат қилган ҳолда, келажақ авлодларга оғод ва обод юрт қолдириш иштиёқиди тинимсиз меҳнат қилляпти.

Кечаги концерт ниҳоясида Президентимизнинг саҳнага чиқиб, санъаткорларни самимий, оталарча кулшани ҳам бугунги кунимизнинг қандай эканини кўрсатиб турибди. Шундай экан, биз ўтаётган ҳар бир кунимиз учун шукроналар айтишимиз керак.

М. ХҲЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Мустақиллик иншоотлари



Қишлоқ ҳўжалик қорхоналари санацияси масалалари бўйича ҳўкумат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисини республика Бош вазирининг ўринбосари, шу комиссия раиси Б. Ҳамидов бошқарди. Унда манфатдор вазирликлар ва идораларнинг, банкларнинг, тегишли вилоят комиссияларининг раҳбарлари ҳамда зарар келтирувчи ҳўжаликларга бириктирилган маъсул ҳодимлар иштирок этди.

Мажлисда диққат-эътибор қишлоқ ҳўжаликларга иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш ва 1998 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича унинг барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларига мувофиқ давлат шафелигида ўтказилаётган қишлоқ ҳўжалик қорхоналари санациясининг гомумийлигига қаратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 январьдаги «Қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарини санация қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» ва 1998 йил 7 февралдаги «Қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари Қорақалпоғистон Республикасида ва ҳар бир вилоятда қандай бажарилаётгани муфассал кўриб чиқилди.

аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам тарихий Буюк ипак йўлининг бир бўлағи ҳисобланган «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлининг бунёд этилишига ҳўкуматимиз катта эътибор бераётгани беҳиз эмас. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлини Қамчиқ ва Ризак доғони участкаларида тунеллар қурган ҳолда асосли қайта қуриш ва қуриш ишларини жадаллаштириш тўғрисидаги қарорини ўз вақтида юзага келган тарихий ҳужжат дейиш мумкин.

Ҳозир Тошкентни Фарғона водийси шаҳарлари, хусусан, Қирғизистоннинг Ўш вилояти ҳамда Хитой билан боғловчи автойўл халқро ағдозлар даражасида қайта таъмирланиб, янгидан бунёд этилмоқда. Биз йўлининг Тошкент вилоти-

ДОВОНДАН ОШГАН ДАВР ОШАДИ

ЙўЛЛАР... Халқларни, инсонларни бирлаштирувчи, дилларни пайвандловчи, маданият, санъат, иқтисодиётнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшувчи восита. Сўзимизнинг исботи учун Буюк ипак йўлини эсга олишимиз ўзи kifоя. Мана шу ипак йўли ўтмишда қайси мамлакат бўлмасин, уларнинг ривожини, тараққиётини катта таъсир кўрсатган.

Шунинг учун ҳам халқимиз азалдан йўлсозлик, шаҳар, соғлом, меъморчиликка катта аҳамият берган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент, Термиз ва бошқа жойлардаги буюк обидалар бунга гувоҳ. Уларни боғлаб турувчи йўлларни... Уларнинг аҳамиятини маздан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар, асори-атикалар тасдиқлаб турибди.

Лекин, ана шу тақорланмас обидалар, йирик халқро аҳамиятта молук йўллар мустақил тавон даражасида унилади. Уларнинг ўша даврдаги аҳамияти атайлаб бузиб кўрсатилди.

Шукрлар бўлсинки, истиқлол кўлга киритилган, Ўзбекистонда бунёдкорликка, айниқса, йўлсозликка катта эътибор берилган бўлди. Биргина пойтахтимиз Тошкентда сўнгги йилларда қурилган йўлларга назар ташлашимиз ўзи kifоя.

Чунки, йўллар ҳозирги ша-роитда яъни мамлакатимиз дунё ҳамжамиятига тобора кўпроқ кириб бораётган, қўши давлатлар билан ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосида алоқаларни ривожлантириб бораётган пайтда катта

Р.КАРИМОВ.
СУРАТЛАРДА: 1. Махсус автойўл тавмири трестига қарашли йўл қурилиш бўлими бошлиғи Толиб Комиллов (қўқорда), бульдозерчи Қўқонбой Хитов ва йўл устаси Абдулла Замон билан суҳбатда. 2. Бульдозерчи Аҳмадҷон Олимқуллов доимо касбдошларига намуна (уртада). 3. Мана бу равон йўлдан ўтган ҳар бир одам йўлсозларга тасанно айтиши шубҳасиз.

Даврон АҲМАД олган сурачлар.

МАЪНАВИЯТИ БОЙ ХАЛҚ ҲАМИША ҚУДРАТЛИДИР

ТАРАҚҚИЁТ борасида ўзига хос йўлни танлаган республикамизда иқтисодий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар ростида буй кўрсата бошлади. Булар, аввало, мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган тантанавда юртбошимиз қайд этганидек, сиёсий, иқтисодий ва маънавий янгиланишлар орқага қайта-қайта, мамлакатимиз қудратли мустақамланган бораётганлигида, унинг халқро ҳамжамиятдаги нуфузи тобора ортаётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Кундан-кунга чирой очаётган шаҳарлар, кишлоқлар, қад ростилаётган қорхоналар, тури иншоотлар, давлат аҳамиятга молик йўллар юртимиз иқтисодиёти кучга тўлиб, равон изга тушиб олганлигидан далоятдир. Республика-мизнинг истиқлол йиллари ичидаги таржимаи ҳолига назар солсак, ортада қолган қисса давр нафақат моддий, балки, маънавий борасида-да кенг кўламли ўзгаришлар билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу йиллар мобайнида аждодларимиз қадриятларини тиклаш, шарафлаш билан боғлиқ йирик тадбирлар ўтказилди. Маънавият ва маданиятимизнинг салобатли масканига айланган «Тошкент» саройи, «Ўзбекистон миллий боғи», Темурийлар давлати тарихий музейи барпо этилди. Буюк Сохибқирон таваллудининг 660 йиллиғи нишонланди. Саркардага бағишлаб Парижда ўтказилган тантаналар, Бухоро ҳамда Хива шаҳарларининг юбилейига ЮНЕСКО берган катта эътибор — буларнинг ҳаммаси истиқлол шарафоти ила маънавият бобида эришилган ютуқлар сирасига киради.

Республикамизда ўтган «Шарк тароналари», жаҳон театр ва кино фестиваллари мамлакат обрўсига обрў қўшди.

Мустақиллик тўғрисида халқимизнинг унутилаёган урф-одатлари, анъаналари тикланди. Халқимизнинг ўз орти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга иштиёқи

қўрилмоқда.

Ўтган давр ичида миллий мафқурамизни яратишга киришганлигимиз ўзлигимизни англаш сари ташланган яна бир дадил қадам бўлди. Албатта, мафқуранинг бир кунда, бир ойда, ё бир йилда ярати бўлмайди. ...Менинг фикримча, — дейди Президент, мулоқотда давом этиб, — мафқуранинг шакллантириш жараёнида, авваломбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдирини кўриб олиш қўқорлигини, Ватан қисмати-ни ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига

асосланиш лозим. Айни пайтда юғра қарши фақат гоя, фикрга қарши фақат фикр, жазолатга қарши фақат маърифат билан баҳса қилиш мумкинлигини таъкидлади. Бу фикрлар маънавиятимизни бойитишдаги бош манбадир.

Ўтган етти йил ичида катта эътиборга сазовор бўлган шарҳлардан яна бири — таълим-тарбия ислохотида жиддий эътибор берилгани бўлди. Бу давр илгари мажҳуд бўлган қатор олий ўқув юрталарининг очилиши билан ҳам аҳамиятландир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Давлат ва жағият қурилиш академиялари, Куролли кўчлар академияси, ўнлаб институтлар, коллежлар шулар жумласидандир. Шунингдек, «Улугбек», «Умид», «Устоз» оинлари жағмарларнинг ташкил этилиши таълим-тарбия тизимини раванқ топтиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳозирги кунда жаҳон илм-фан ташкилотлари, мутахассислари томонидан ўзининг қўқори баҳосини олган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» республикамизда таълим тизимининг янги модели сифатида алоҳида эътироф этилмоқда. Мазкур йил ана шу

Мафқура мезонлари

«Мулоқот» журналининг 5-сонидида эълон қилинган «Тарихий хотирасиз келажақ йўқ» асарида. — Бу қадимий ва табарруқ тупроқдан алломалар, фозилу фузалолар, олим уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиқдилар. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал тоилган... давр синовларидан омон қолган, энг қадимий тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз заҳинасида сақланаётган 20 мингдан ортқ қўлёзма... асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир.

Ана шу бойликларни яратган аждодлар қадри ўз жойига қўйилаётгани мустақиллик иншоотлардан маънавий мевасидир. Эндилкида ўтмишдаги олимлар, мутафаккирлар, алломалар ижодида мутлақо янгича муносабатда бўлимоқда. 1994 йил — Улугбек йили, 1996 йил — Амир Темурий йили деб аталиши, Буюк аллома Алишер Навоий таваллудининг ҳар йили юқори савияда кенг нишонланиши фикримизнинг далоятидир. Айни пайтда бутун мамлакатимизда Исмом Бухорий, Ал-Фарғоний, Камолиддин Беҳзод таваллудларини нишонлашга қизгин ҳозирлик

қилинмоқда. Чунончи, икки қаторли вертикал шпинделли пахта терим машинасида терилган 1 тонна пахта учун камида 135 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда — 85 сўм, икки қаторли горизонтал шпинделли машинада терилганда камида 45 сўм, қўлда терилган 1 килограмм пахта учун камида 5 сўм, ингичка толали пахта учун камида 6,5 сўм ҳақ тўлаш ҳўкуматимиз қарориди белгилаб қўйилган. Шуниси муҳимки, ҳўжаликлар

раҳбарларининг эътибори мавсумнинг дастлабки кунлариданок теримчиларни моддий рағбатлантиришнинг кучайтириш, сифатли терим учун энг юқори ҳақ тўлаш ва бу билан юқори нави пахта териб олинишига эришиш зарурлигига қаратилган.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, пахтачилик мамлакатимиз Президентининг доимий диққат-эътиборида. Давлатимиз раҳбари пахтачиликни ривожлантириш, уруғчилик, эртапшир навларни яратиш, айниқса, ҳосилни машиналар ёрдамида йғиби олишга эътиборни кучайтириш зарурлигини кўп бор ўқитирмоқда. Шу боис мажҳуд комбайнларни тўла таъмирдан чиқариш, замонавий «Кейс» пахта терим машиналаридан унумли фойдаланиш, янгиларини харид қилиш борасида муайян ишлар қилинди.

Ҳозирги кунда олдимида турган асосий вазифа — йўза баргини тўқини сифатли ўтказишдир. Чунки ўтган йили бизнинг шароити мос келмайдиган «Дропп»,

«Дропп-ультра» каби дефолантларнинг ишлатилиши билан таъминлаш лозимлиги белгилаб берилган. Шунингдек, мажҳуд 191 та «Кейс» пахта терим машиналарида ишлайдиган механизматорлар, техник хизматчилар учун махсус ўқишлар ташкил этилди. Бу йил 900 миғ тоннага яқин пахтали машиналар ёрдамида териб олиш ниётидаимиз.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган тўб иқтисодий ислохотлар ўзининг самарасини бермоқда. Ҳўжалик юритишнинг янги усуллари жорий этилиб, деҳқонларимизда ерга, мулкка бўлган муносабат ўзгармоқда, боқимандалик кайфияти йўқолмоқда, ташаббускорлик ва тадбиркорлик ҳислатлари йўғормоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги янада ривож топиши, элюрт дастурини янада тўқин бўлишидан далоятдир.

Бўхзод УСМОН,
ЎзА мухбири.

ТАРАДДУД

(Давони. Боши 1-бетда).

ка бўйича 40 фоиз майдондаги пахта қийғос очилди. Бир неча вилоятларда пахта йғим-терими бошлаб юборилди.

Қарорда бизнинг вазирлигимиз, «Узқишлоқ-ҳўжалик таъминотузиати» давлат-кооператив кўмитаси, «Уздавпахтасаноот» сотиш-уюшмаси, «Ўзбекиш-лоқҳўжалик» ширкати ва бошқа компания зиммасига пахта йғим-терими мавсумини муваффақиятли ўтказиш бўйича қатор вазифалар юқлатилган. Вазирлигимиз бу ташкилотлар билан биргаликда тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни мунтазам амалга ошириб бормоқда.

Хабарингиз бор, қарорда жаҳон бозориди пахта толасига қўйилаётган нарҳ, қайта ишлаш ва транспорт

раҳбарларининг эътибори мавсумнинг дастлабки кунлариданок теримчиларни моддий рағбатлантиришнинг кучайтириш, сифатли терим учун энг юқори ҳақ тўлаш ва бу билан юқори нави пахта териб олинишига эришиш зарурлигига қаратилган.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, пахтачилик мамлакатимиз Президентининг доимий диққат-эътиборида. Давлатимиз раҳбари пахтачиликни ривожлантириш, уруғчилик, эртапшир навларни яратиш, айниқса, ҳосилни машиналар ёрдамида йғиби олишга эътиборни кучайтириш зарурлигини кўп бор ўқитирмоқда. Шу боис мажҳуд комбайнларни тўла таъмирдан чиқариш, замонавий «Кейс» пахта терим машиналаридан унумли фойдаланиш, янгиларини харид қилиш борасида муайян ишлар қилинди.

Ҳозирги кунда олдимида турган асосий вазифа — йўза баргини тўқини сифатли ўтказишдир. Чунки ўтган йили бизнинг шароити мос келмайдиган «Дропп»,

КУН ТАРТИБИДА — САНАЦИЯ

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ санация қилиниши лозим бўлган зарар келтирувчи 104 ҳўжаликнинг молиявий аҳволини чўқур таҳлил қилди. Мажлисда молиявий ресурслардан бошқа мақсадларга фойдаланиш ҳоллари танқидий таҳлил этилди.

Комиссия мажлисида пахта ҳосилини йғиби-териб олиш ва галлани ўз вақтида экишга тайёрлаш тадбирлари қандай бажарилаётганига катта эътибор берилди. Шу билан бир вақтда ҳўкумат комиссия-сидан тайинланган барча

маъсул ҳодимлар ва санация қилинаётган қорхоналарнинг ташки бошқарувчилари ажратилган маблағдан юқори самара билан фойдаланиш ва ҳосилни йғиштириб олишда қишлоқ ҳўжалик техникасининг кенг қўлланишига алоҳида эътибор беришлари зарурлиги таъкидланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди, вилоят комиссияларига эса санация қилинаётган ҳар бир ҳўжаликни молиявий жиҳаддан тиклаш юзасидан амалга қилинган дастурни қўқайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКАМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

◆ ҚўШРАБОТ аҳолисининг қувончи чексиз. Самарқанд вилоятининг «Чорвадор» ва «Чўпон-чўликлар» истиқомат қиладиган бу олис туманида замонавий телефон станцияси ишга тушди. Эндилкида аҳоли шаҳарлараро ва халқро алоқа тизимига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлди.

◆ ЖИЗЗАҲДА байрам арафасида «Тошлоқ» маҳалла гузаро очилди. Гузарда аҳоли учун барча қўлайлик яратилган. Унда савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш қорхоналари мажҳуд. «Тошлоқ» шаҳардаги ўн учинчи замонавий гузардир.

◆ САМАРҚАНД тумани деҳқонлари сабзавот сотиш режасини бажарди. Эл дастурхонига 38 миғ тонна нознеъмат етказиб берилди. Миришкорлар ана шунча маҳсулот тайёрлашга аҳд қилдилар. Маҳсулотнинг бир қисмини қайта ишлашиб, хорижга чиқарилади.

◆ ЖИЗЗАҲДА хусусий шифохоналар йилдан-йилга қўлаймоқда. «Сўғдиёна» муолажа маркази ана шулардан биридир. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифо мақсанида беморлар аниқ ташаббусида даволанади.

◆ ФАРҒОНА туманидаги 26-автосарой ҳиссадорлик жамияти жамоаси эҳтиёжманда ва кўп болали оилалар фарзандларини дарслиқлар билан таъминлаш учун халқ таълими бўлимига юз миғ сўм ўтказди. Шунингдек, автобончилар Шохимардон қишлоғида юз берган табиий офатдан талофат қургун У. Азизов оиласига янги уй қуриб берди.

◆ ЖИЗЗАҲДАГИ «Форум» тантаналар мажмуининг ёнги саҳнасида республикамиз санъат усталарининг вилоят меҳнаткашлари вакиллари билан уршушувлари бўлиб ўтмоқда. Вилоятдаги бир қатор йирик ташкилотлар хомийлигида уюштирилган бу тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Фароғат Раҳматова, Нуриддин Ҳайдаров ва бошқа санъаткорлар ўз маҳоратини намойиш этаётдилар. (ЎзА).

МИЛЛИЙ ДАСТУР:

БАРКАМОЛ АВЛОД — ИСТИҚБОЛ МЕЪМОРИ

Шу йил 5 сентябрь кuni Олмалик шаҳрида «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»га бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди



Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга беш бармоқдай, эскича айтганда, тўққиз пулдай аён бўлсинки, таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас.



Ислом КАРИМОВ.

АНЖУМАНДА вилоят ҳокимлиги бошқарма ва бўлиmlлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, вилоятдаги касб-хунар таълими ўқув муассасаларининг директорлари, шунингдек, йирик корхоналар ва ташкилотларнинг кадрлар масалалари бўйича бўлим бошлиқларининг муовинлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»нинг бажарилиши ва республика Олий Мажлиси Ҳақонининг сессияси материалларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Шунингдек, семинар-кенгаш иштирокчилари республика ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш институти директорининг муовини Эдем Сейдахлиловнинг «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»нинг амалга оширишдаги ҳалқаро вазифалар тўғрисида»ги маърузасини ҳам тингладилар.

Анжуманда сўзга чиққанлар дастурни амалга ошириш юзасидан ўқув юртлари, ташкилотлар, корхоналарда қилаётган ишлари, режалари ҳусусида гапирдилар, ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

РАХБАР — ДАСТУР — МАСЪУЛИЯТ

МАМЛАКАТИМИЗ ҳаётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Улар халқ ҳўжалигининг деярли ҳар бир соҳасида аниқ сезилмоқда. Утган йиллар ичида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар билан биргаликда кадрларнинг тиклашга, маънавият, таълим, маданият ва маърифатни ривожлантириш йўлида кўп ишлар қилинди. Энг муҳими истиклол туфайли инсон кадрини муқаддас ва азиз эҳсанлигини ҳис эта бошладик.

Албатта, эришилган бу муваффақиятлар, самаралар турмушимиз мазмунини бойитиши табиий. Айти пайда бизнинг мақсадларимиз, ниятларимиз улўғ. Тараққиёт борасида ўзига хос йўлни танлаган республикамизнинг келажаги буюк бўлиши учун чўқур билимли, теран фикрли мутахассислар керак. Бунинг учун эса ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш лозим бўлади. Таълим тизимидаги ислоҳотларгина бизнинг ана шу мақсадимизни рўйба чикаради. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Президентимиз ташаббуси билан яратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури бу соҳадаги янгиланишлар моҳиятини ўзида муҳимсаметландирди ва бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Таъбир жоиз бўлса таълим-тарбия соҳасида ҳам Ўзбекистон ўзининг «модули»ни яратди.

Ҳўш, вилоятда бу муҳим масалага эътибор, мазкур қонун ва дастурни бажариш қай аҳволда?

Анжуманда таъкидланганидек, босқичма-босқич амалга оширилаётган Миллий Дастир бўйича вилоят ҳам ўзининг аниқ режаларига эга. 1998-2005 йилларга мўлжалланган ва тасдиқланган ана шу дастурга кўра ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, билим муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уч йиллик таълим — ўрта махсус ва касб-хунар билим юртлари тизимига замин тайёрлаш бўйича ишлар бошланди. Бўлажак академик лицейлар, коллежларнинг йўналишлари таҳлилдан ўтди, уларни қайси ҳудудларда очиш, бу даргоҳларга жалб этиладиган талабалар сони, сифати аниқлаб олинди.

Аммо, шунини очик айтиш керакки, дастурнинг биринчи

босқичи — 1997-2001 йилларга мўлжалланган вазифаларни рўйба чикариш борасида вилоятда қилинган ишлар ҳали қаноатланарли эмас. Кўплаб ўқув даргоҳларида катта аҳамиятга эга бўлган бу ҳўжатнинг моҳияти чўқур англаб етилмаган. ўқитувчиларни бугунги талаб даражасида қайта тайёрлаш, моддий базани мустаҳкамлашга эътибор сўст. Ташкил этилаётган малака ошириш курслари ҳамон эскича қолипда ишламоқда. Изланиш, ташаббускорлик етишмайди. Ваҳоланки, Миллий Дастирни рўйба чикаришда пойтахт вилоятининг имкониятлари, салоҳияти жуда кенг, ижодий кучлари етарли. Таълим тизимидаги ўзгаришларнинг оқсалига бошқа сабаблар ҳам бор. Бу — ушбу масъулиятли вазифага раҳбарларнинг етарли эътибор бермаётганлигидир. Улар ўқув даргоҳларига йиллаб қадам босмайдилар, ваҳоланки, ҳар қандай корхона, ташкилот, ҳўжаликнинг эртаси ана шу даргоҳда яратилади. Эртанги ишни, олим, зиёли, ҳар қандай касб эгаси ана шу ерда камолга етади. Буни унутмаслик керак.

Қаерда ўқитувчи, мураббий, устознинг маънавияти паст бўлса, билим муассасалари биринчи раҳбарининг эътиборидан четда қолса, бу ерда ислоҳотлар ҳақида йўлша бефойда. Зеро, ислоҳотнинг асоси таълим-тарбиядир.

Яна бир муҳим масала. Касб-хунар билим юртлари раҳбарларини тайинлашга масъулият билан ёндошидир. Ўзбосимчилик билан раҳбарларни ўзгартиравериш ҳам таълим-тарбияга катта салбий таъсир кўрсатади. Вилоятда бу борада жиддий нуқсонлар мавжуд. Масалан, Бўка туманидаги 13-касб-хунар таълими билим юртида икки йилда уч раҳбар ўзгартирилди. Оҳангарон шаҳридаги бизнес мактабига раҳбар тайинлашда шаҳар ҳокимлиги вилоят бошқармаси билан келишмай иш тутди. Бир нарсани унутмайликки, бу даргоҳларга қўйиладиган раҳбар ходимнинг салоҳияти, малакаси, фаолияти олдимизда турган вазифаларни бажаришга катта аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан бундан буюн ўзбосимчиликларга чек қўйиш мақсадида шаҳар ва туманлардаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари раҳбарлари вилоят ҳокимлигининг изимга (номенклатурасига) ўтказилди. Бу бежиз эмас. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган билим юртлари босқичма-босқич касб ўрганишга мўлжалланган коллежлар ва академик лицейларга айлантирилди. Мазкур ўқув

ТАЪЛИМ СИФАТИ МУАЛЛИМ САВИЯСИГА БОҒЛИҚ

СЕМНАР-КЕНГАШДА ўқувчиларни тўққизинчи синфдан кейин бекор қолмасликлари масаласи ҳусусида алоҳида гап борди. Аслида Миллий Дастирнинг ишлаб чиқилишининг асосий мақсадларидан бири ҳам шудир. Таҳминий ҳисоб-китобларга кўра вилоятда ҳар йили тўққизинчи синфни ўртача 50 мингдан ортққ ўқувчи битиради. Бугунги кунда уларнинг бор-йўғи 20 фоизи касб, хунар ўрганишга жалб қилинмоқда. 60 фоиздан ортққроқ бола мактабда умумий таълимни давом эттиради. Қолган 20 фоизи нима билан банд? Масаланинг айнаи мана шу жиҳатида республика Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида эътибор берилиб, тўққизинчи синфдан кейин уч йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш ва бу поғонада болаларга чўқур билим бериш, касб-хунар ўргатиш муаммосини ҳал этиш катъий муҳим вазифа қилиб қўйилди. Бу режалар ҳўкуматимизнинг «Ўзбекистонда ўрта махсус касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда ҳам ўз ифодасини топди.

Шундан келиб чиқиб, вилоятда уч йиллик ўрта махсус касб-хунар таълимини жорий қилиш учун 2005 йилгача 6300 ўринли 9 та академик лицей, 95 минг 675 ўринли 146 та касб-хунар коллежи очиш режалаштирилди. Уларни ташкил этишда вилоят учун зарур бўлган йўналишлар — саноят, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари танланди.

Шу йилнинг ўзидек касб-хунар коллежларини ташкил этишга киришилди. Ангрнда радиотехника коллежи фаолият кўрсата бошлади. Чирчиқдаги кимё технологияси коллежида ҳозир охириги ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастирига кўра ташкил қилинадиган коллежларимизда барча омиллар: аввало мураббийларнинг билим ва малакасини ошириш, бинонинг замонавийлиги, касб ўргатиладиган хоналарнинг бугунги талаблар даражасида бўлиши, синфлар янги технология, усқуналар, дастоҳлар билан жиҳозланиши, спорт мажмуининг моддий базаси, дам олиш масканларининг қўлай ва шинамаллиги ҳисобга олинмоқда. Коллежларда касб-хунар ўргатишнинг мазмуни, унинг амалиёт билан муносабатлари аввалги ўқув услубидан тубдан фарқ қилишини таъкидлаш керак. Бу ўқув даргоҳларининг фаолиятдан ўқувчилар билимини синаниннинг рейтинг

СУРАТЛАРДА: (юқорида) анжуман раёсати; семинар-кенгаш залида; иштирокчилардан бир гуруҳи ўзаро суҳбатда.



АНЖУМАН СИЗДА ҚАНДАЙ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ?



Любовь НАСТУКОВА, Ангрн радиотехника касб-хунар коллежи директори: — АВВАЛО, миллий дастур самараси сифатида бизнинг бўлиб вилоятда бизнинг шаҳримизда касб-хунар коллежи очилгани қувончлидир. Семинар эркин, бар-

ча муаммолар очик-ойдин айтилиб, уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатилиб, ишчанлик билан ўтгани менга маъқул бўлди. Маърузалар, мулоҳазалардан шунини сездимки, Миллий Дастирни амалга оширишда боқимандалик қайфиятидан холи бўлиб, изланиш, ташаббускорлик билан ишлашимиз керак.

Энди икки оғиз сўз коллежимиз ҳақида. Ўқув даргоҳимиз илгари 23 ихтисослик бўйича ёшларга касб ўргатиб келаётган бўлса, эндиликда электр ва газ пайвандчилиги, ҳисоблаш машиналари ҳамда компьютер тармоқларидан фойдаланиш, радиотехника ва радиолектроника, молия ва ҳисоб-киتاب ихтисосликлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди. Бу ерда чўқур билим олиш ва танланган касбни эгаллаш учун талабаларга барча имкониятлар ва қўлайликлар яратиб берилган. Хоналар змон талаби даражасидаги технология, янги аппа-



Абдусот НАЗИРОВ, Тошкент тумани Агробизнес коллежи директори: — КАДРЛАР тайёрлаш Миллий Дастирига бағишланган семинар-кенгаш шайсан мен учун сабоқ бўлди. Биз кол-



лежни очишда галчалчилик, пахтачилик ва мева-сабзавот бўйича фермерлар тайёрлашни мақсад қилиб қўйган эдик. Ҳақиқатдан ҳам анжуманда вилоят ҳокими Эркин Маҳмудович «туманингиз узумличилика, сабзавот, мева, галла етиштиришга ихтисослашган

бўлса, пахтачилик фермерлари ўқишни битиришгач қаерга боришди», деб тўри савол берди. Бу ҳақда на мен ва жамоамиз ўйлаб кўрмаймиз. Шунинг учун саволга жавоб беролмай қолдим.

Ваҳоланки, Миллий Дастирда ёш мутахассисларни худуддаги ахтиёждан, талабдан келиб чиқиб тайёрлаш алоҳида таъкидланган. Акс ҳолда коллежни тугатган талабалар яна бекорчиликка дуч келишлари тайин. Биз бу нуқсонни тузатамиз. Туман ҳокимлиги, жамоа ҳўжаликлари билан маслаҳатлашиб иш юритамиз. Семинарда ҳар бир ўқитувчининг салоҳияти, ҳар бир раҳбарнинг қобилияти ўрганилиши, «рентгендан ўтказилиши» керак. У дарс беришга ярайдими, йўқми, деган гапларни ўзимга, жамоадаги касбдошларимга тўла тегишли деб биламан. Дарҳақиқат, энди билими сайёз, фақат гайгани бурсадан нарига ўтмайдиган талаба ҳам, маънавият тушунчасидан

йироқ ўқитувчи, раҳбар ҳам ислоҳотларга ғов бўлади, холос. Буни чўқур ўйлайдиган пайт келди. Шундай тақлифим бор. Биз, аввало, бу ишга масъул, мутасадди бўлган кишилари тайёрлаб олишимиз керак. Шу муносабат билан шаҳар ва туманлар ҳокимликларини қошида улар учун махсус ўқишлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Турдибуви ЮСУПОВА, Янгийўл туманининг 9-касб-хунар мактаби директори ўринбосари: — МИЛЛИЙ Дастир бўйича илгарилари ҳам суҳбатлар ўтган. Аммо бугунги семинар-кенгашнинг таъсири ўзгача бўлди. Бундан буюн дастур ҳар бир ўқув юрти фаолиятининг асосий мазмунига айланишига ишонч ҳосил қилдим. Анжуманда коллежлар, академик лицейлар қаерда, қачон очил-



айниқса, менга маъқул бўлди. Вилоят ҳокими ана шу жараёни маблаг билан таъминлашга ҳам тайёрлигини билдирди. Бу яна бир эътибор ва ғамқўрлик самарасидир. Ўқув юртларига шаҳар ва туманлардан ислоҳотларни чўқур тушунадиган, қўли гул моҳир усталарни мураббийликка жалб этиш тўғрисидаги тақлиф ҳам ўринли. Албатта, вилоят ҳокими айтганидек, уларни мазкур муассасалардаги ойлқ машлар қаноатлантирмаслиги мумкин. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари бундай кишилари моддий рағбатлантириш ҳақида ўйлашлари, бунда қонуний йўл-йўриқларни излашлари керак. Хуллас, бутун ҳаракатимиз мамлакатимиз XXI аср мутахассисларини тайёрлашга, уларда юксак инсоний ҳислатларни шакллантиришга қаратилаётган экан, бу йўлда изланишдан, имкониятларни ишга солишдан чарчамаслигимиз керак.

Саҳифани «ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ» мухбирлари Саидвали ҲАСАНОВ, Даврон АҲМАД (сураатлар) тайёрлашди.

